## №_15791._ сонли пудрат шартномаси

*«19» апрель 2022йил* *Жиззах шахри*

**«MALIKA-MOHINUR BUILDINGS» MCHJ** номидан Устав асосида фаолият юритувчи жамият раҳбари Ш. Хайдаров ва **«Умид» мактаб-интернат** рахбари С.З.Суярова мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

### 1. Шартнома предмети

1.1Иш ва хизматни бажарувчи ўз зиммасига буюртмачининг топшириғига кўра мазкур шартноманинг 1.2.-бандида кўрсатилган ишларни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ишларнинг натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Иш ва хизматларни бажарувчи кейинги ўринларда "Ишлар" деб аталадиган қуйидаги ишларни оладиБинони жорий таъмирлаш

Кўрсатилган ишларни бажариш учун буюртмачи 2022 йил "19" 04_________ қадар иш ва хизматни бажарувчига зарурий лойиҳа-смета хужжатлари, техник шартлар тақдим этиш мажбуриятини олади.

1.3. Иш ва хизматларни бажарувчи ишларни ўзининг материалларидан, ўзининг асбоб-ускунасида ва ўзининг инструментлари билан бажаради.

1.4. Ишларни бажариш муддати: Буюртмачи томонидан дастлабки 30% аванс маблаги ажратилган кундан бошлаб 40 кун ичида амалга оширади.

1.4.1. Ишлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан ишларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин бажарилган деб ҳисобланади.

### 2. Мажбуриятларнинг бажарилиши муддати

2.1. Буюртмачи пудратчига шартнома умумий қийматининг 30 % миқдорида бунак туловларини амалга оширади. Ишларни қабул қилишда аниқланган нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш ишлари тўлиқ ҳажмда бажарилгандан сўнг буюртмачига бажарган ишлар учун охирги, узил-кесил, ҳисоб-китобни амалга оширади.

**2.2.Мазкур шартнома томонлар томонидан тасдикланиб Газначиликда руйхатдан утган вактдан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.**

### 3. Тарафларнингҳуқуқвамажбуриятлари

3.1. Пудратчинингмажбуриятлари:

3.1.1. Ишларнилозимбўлгансифатдабажариш.

3.1.2. Ишларни мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддатда бажариш.

3.1.3. Объектга лойихага биноан зарур булган материалларни, конструкцияларни, бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни қабул килиш, тушириш, тахлаш ҳамда саклашни амалга ошириши;

3.1.4. Ушбу шартнома буйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган махсус ташкилотлар билансубпудрат шартномаларини тузгани туғрисида буюртмачига ахборот бериши ва у томондан ишларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаши;

3.1.5. Ишларнинг натижасини буюртмачига топшириш.

3.1.6. Агар пудратчи ишларни бажариш жараёнида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштиришга олиб келадиган четга чиқишга йўл қўйган бўлса, буюртмачининг талабига биноан аникланган барча камчиликларни 10 кун ичида текинга бартараф этиш.

3.1.7. Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва объектни қўриклаш бўйича зарурий чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлаши;

3.1.8. Ишларни шахсан бажариш.

3.2. Пудратчи қуйидаги ҳуқукларга эга:

3.2.1. Буюртмачи томонидан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳақ тўлаш мажбурияти бажарилмаганда, пудратчи ишларнинг натижасини ушлаб туриш ҳуқуқига эга.

3.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

3.3.1. Пудратчидан ишлар тугалланганлиги хакида хабарнома олгандан кейин 5 кун ичида ёки мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддат тугаганда, ишларнинг натижасини кўриб чиқиш ва қабул

қилиш, ишларнинг натижасини ёмонлаштирадиган шартномадан четга чикишлар ёки ишлардаги бошка камчиликлар аникланганда, булар ҳақида пудратчига дарҳол хабар бериш.

3.3.2. Ишларнинг натижаларини қабул қилган пайтдан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган хисоблашишлар тартиби бўйича ишлар учун хақ тўлаш.

3.4. Буюртмачи қуйидаги хуқуқларга эга:

3.4.1. Ҳар қандай вақтда пудратчининг фаолиятига аралашмаган холда у томонидан бажариладиган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

3.4.2. Буюртмачи иш натижаси ўзига топширилгунга қадар истаган вақтда шартномадан воз кечиб, белгиланган баҳонинг буюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганлиги тўғрисидаги хабарнома олингунга қадар бажарилган ишлар қисмига мутоносиб қисмини пудратчига тўлаш. Бунда буртмачи пудратчига шартноманинг бекор қилиниши туфайли етказилган зарарни бажарилган ишнинг баҳоси билан ҳамма иш учун белгиланган баҳо ўртасидаги фарқ доирасида тўлаши ҳам шарт.

## 4. Шартноманингбахосиваҳисоблашишлартартиби

4.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **594 950 800 (Беш юз тукcон турт миллион туккиз юз эллик минг саккиз юз)** сўмни ташкил қилади.

4.2.Буюртмачи томонидан пудратчига шартнома баҳосини тўлаш бажарувчининг мазкур шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб ҳисобварағига пул маблағларини кўчириш йўли билан амалга оширилади.

## 5. Тарафларнингжавобгарлиги

5.1. Пудратчи мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ишларни бажариш муддатини бузганлиги учун буюртмачига кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.2. Бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

5.3. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланади.

5.4.Неустойка тўлаш тарафларнинг улар олдида турган мажбуриятларини бажаришдан ёки шартларнинг бузишини бартараф этишдан озод этмайди.

5.5 Буюртмачи билан пудратчи уртасидаги ташкилий ишлар харажати путратчи томонидан коплаб борилади

## 6. Форс-мажор холатлари

6.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.)

6.2. Бартараф қилиб бўлмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлигини Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг шунга оид қарорлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувоҳномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи бўлиб ҳисобланади.

6.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома буйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир кўрсатиши ёки монелик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.

## 7. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

7.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида қонунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг уларни Жиззах шаҳрида жойлашган Жиззах вилоят хўжалик судида кўриб чиқишга топширадилар.

## 8. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

8.1. Ушбу шартномага хар кандай киритилган қўшимча ва ўзгартишлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, хар иккала тараф имзолангандан сунг хакикий кучга эга бўлади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор килиш тарафларнинг келишуви буйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фукаролик кодекси ва қонун хужжатларида назарда тутилган асослар бўйича, етказилган зарарларни коплаш билан амалга оширилиши мумкин.

8.3. Буюртмачи куйидаги холларда шартномани бекор килишга хакли:

-Пудратчининг айби билан ишларнинг боришини сусткашлик билан тухтатиб турилиши, яъни ушбу шартномадаги ишларнинг тамом бўлиш муддати бир ойдан кўпга ошиб кетганда;

-Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойихада кўрсатилган ишларнинг сифати пасайганда.

8.4. Пудратчи кўйидаги холларда шартномани бекор килишга хакли:

-Буюртмачи томонидан пудратчига боғлик бўлмаган сабаблар буйича курилиш-монтаж ишларининг боришини бир ойдан ошадиган муддатга тўхтатиб турганда;

-Буюртмачи томонидан кейинчалик ишларни молиялаш имконияти йўқотилганда.

8.5. Буюртмачи ва пудратчининг биргаликдаги карори буйича шартнома бекор килинганда, буюртмачига тугатилмаган курилиш топширилади, буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аниқланган бажарилган ишларнинг хажми кийматини тулайди.

8.6. Шартномани бекор килишга карор килган тараф бошка тарафга ёзма хабарнома юборади.

## 9. Якуний қоидалар

9.1. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сунг ҳақиқий ҳисобланади.

9.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди.Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга.Тарафларнинг хар бирида мазкур оладишартноманинг бир нусхаси мавжуд.

9.3. Шартномагаилова______________________________

## 10. Томонларнингюридик манзиливарeквизитлари:

| «Ижрочи» | «Буюртмачи» |
|---|---|
| «MALIKA-MOHINUR BUILDINGS» MCHJ | «Умид» мактаб-интернат |
| (етказиб берувчининг (пудратчининг) номи) | (буюртмачининг номи) |
| Манзил: Жиззах шахар Бобур МФЙ | Манзил: Кассоблик м-си, Х.Носиров, 5 |
| Тел./факс 99 893 308-13-03 | Тел./факс: (72) 223-86-17 |
| (х/в ёки ш/х): 20208000905077717001 | ш/х: 100021860084017092300075001 |
| | Банк номи: Марказий банк |
| | Ташкилотнинг СТИР: 202328439 |
| Банк номи: АТ Алокабанк Жиззах ф. | ИФУТ:85310 |
| ИНН: 306430039 | |
| МФО: 01026 | Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилиги |
| ИФУТ: ______ | Ғазна х/в: 23402000300100001010 |
| | Банкнинг номи: Марказий банк МФО: 00014 |
| | ғазначилик бўлинмаси СТИР: 201122919 |
| Раҳбар ________ Хайдаров Ш. | Раҳбар ________ Суярова С.З. |
| (имзо) (Ф.И.Ш) | (имзо) (Ф.И.Ш) |
| М.Ў. | М.Ў. |

*Ҳуқуқшунос:* ________ ________ *Гув-ма №* 007260 ________

*(имзо)* *(Ф.И.Ш)*

## Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 66150 на приобретение Жиззах шахридаги УМИД ихтисослаштирилган мактаб интернатининг спорт зал биносини жорий таъмирлаш

Способ проведения электронный

Дата 14.04.2022

Время рассмотрения 14.04.2022 17:02

Конкурсная комиссия Жиззах вилояти Умид ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб интернати, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | Суярова Санобар Зарфуллаевна | Директор | UMID IUTMI |
| **Секретарь комиссии** | Пардаева Гулшан Уктамовна | секретарь | UMID IUTMI |
| **Член комиссии** | Бобобекова Шоира Ибодуллаевна | Зам.директора | UMID IUTMI |
| **Член комиссии** | Хамидова Санобар Хамидовна | мед.сестра | UMID IUTMI |
| **Член комиссии** | Турабов Фаррух Абдусаломович | Зам директора | UMID IUTMI |
| **Член комиссии** | YUNUSOVA FIRDAUS NAZIMOVNA | Гл.бухгалтер | UMID IUTMI |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 14.04.2022 года № лота 66150.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 85.00 / Весовой коэф. ценовой части: 15.00)

Мин. балл: 50

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга по текущему ремонту нежилых зданий** |
|---|---|
| Подробное описание | Услуга по текущему ремонту нежилых зданий |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 600 000 000.00 |
| Стартовая сумма | 600 000 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танловда иштирок этадиган корхонанинг айланма маблаг хакида маълумотлари ва гувохномаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок этадиган корхонанинг айланма маблаг хакида маълумотлари ва гувохномаси

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО DIYOR-ABDULATIF** | 25 | Айланма маблаг ва гувохнома бор. | 20 | Экспертная | | |
| **MALIKA-MOHINUR BUILDINGS** | 25 | Айланма маблаг ва гувохнома бор. | 19 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| MCHJ | | "Маълумотнома илова килинади" | | | | |
| ООО OYBEK HAMROH | 25 | Танловда иштирок этадиган корхонанинг айланма маблаг хакида маълумотлари ва гувохномаси | 20 | Экспертная | | |

Критерий №2 . Танловда иштирок этадиган корхонанинг молиявий холати тугрисида маьлумот

Тип: Текстовое значение

Описание: . Танловда иштирок этадиган корхонанинг молиявий холати тугрисида маьлумот

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО DIYOR-ABDULATIF | 25 | Молиявий ахволи. | 18 | Экспертная | | |
| MALIKA-MOHINUR BUILDINGS MCHJ | 25 | Молиявий ахволи."Маълумотнома илова килинади" | 22 | Экспертная | | |
| ООО OYBEK HAMROH | 25 | Танловда иштирок этадиган корхонанинг молиявий холати тугрисида маьлумот | 19 | Экспертная | | |

Критерий №3 Танловда иштирок этадиганлар кора руйхатга тушмаганлиги хакида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок этадиганлар кора руйхатга тушмаганлиги хакида маълумот

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО DIYOR-ABDULATIF | 25 | Кора руйхатга тушмаган | 22 | Экспертная | | |
| MALIKA-MOHINUR BUILDINGS MCHJ | 25 | Кора руйхатга тушмаган,"Маълумотнома илова килинади" | 22 | Экспертная | | |
| ООО OYBEK HAMROH | 25 | Танловда иштирок этадиганлар кора руйхатга тушмаганлиги хакида маълумот | 22 | Экспертная | | |

Критерий №4 Танловда иштирок этадиган корхонанинг доимий ишчилари тугрисида маьлумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок этадиган корхонанинг доимий ишчилари тугрисида маьлумот

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО DIYOR-ABDULATIF** | 25 | Доимий ишчилар сони 25 та | 19 | Экспертная | | |
| **MALIKA-MOHINUR BUILDINGS MCHJ** | 25 | Доимий ишчилар сони 34 та. "Маълумотнома илова килинади" | 21 | Экспертная | | |
| **ООО OYBEK HAMROH** | 25 | Танловда иштирок этадиган корхонанинг доимий ишчилари тугрисида маьлумот | 21 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|
| **ООО DIYOR-ABDULATIF** | 600 000 000.00 | 597 850 600.00 | 13.04.2022 22:57:21 | 14.83 |
| **ООО OYBEK HAMROH** | 600 000 000.00 | 591 015 000.00 | 14.04.2022 09:29:41 | 15.00 |
| **MALIKA-MOHINUR BUILDINGS MCHJ** | 600 000 000.00 | 594 950 800.00 | 13.04.2022 23:03:33 | 14.90 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **ООО DIYOR-ABDULATIF** | 67.15 | 14.83 | 81.98 |
| **ООО OYBEK HAMROH** | 69.7 | 15 | 84.7 |
| **MALIKA-MOHINUR BUILDINGS MCHJ** | 71.4 | 14.9 | 86.3 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 66150 от 14.04.2022 года на приобретение Жиззах шахридаги УМИД ихтисослаштирилган мактаб интернатининг спорт зал биносини жорий таъмирлаш определила победителем:

MALIKA-MOHINUR BUILDINGS MCHJ
306430039

и резервный исполнитель: ООО OYBEK HAMROH (302569190)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Член комиссии** | YUNUSOVA FIRDAUS NAZIMOVNA | Согласен | |
| **Член комиссии** | Турабов Фаррух Абдусаломович | Согласен | |
| **Член комиссии** | Бобобекова Шоира Ибодуллаевна | Согласен | |
| **Член комиссии** | Хамидова Санобар Хамидовна | Согласен | |
| **Председатель комиссии** | Суярова Санобар Зарфуллаевна | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
«Умид» мактаб-интернати
Директори:_________Суярова С.З.

«19» апрель 2022 йил

«Умид» мактаб-интернати бюджет маблаглари хисобидан товар (ишлар, хизматлар) харид килиш буйича танлов утказиш комиссиясининг

**МАЖЛИС БАЁННОМАСИ № 5**

«Умид» мактаб-интернати рахбари-Суярова С.З.нинг 2022 йил «19» апрелдаги №5-сонли буйруги билан тасдикланган танлов комиссияси аъзолари куйидаги таркибда

**Қатнашдилар:**

Раис: Суярова С.З. танлов комиссиясининг раиси

**КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:**

Бош ҳисобчи: Юнусова Ф.
Завхоз: Алибеков Б.
Хамшира: Хамидова С.
Зав.уч: Бобобекова Ш.
Зав.уч: Туробов Ф.
Котиба: Пардаева Г. танлов комиссиясининг котиби

**Кун тартиби:**

Умид» мактаб-интернати махсулотлар (ишлар, хизматлар) ни харид килиш (бажариш) бўйича махсус ахборт порталига 14.04 2022 йилда № 66150 сонли спорт зал биносини жорий таъмирлаш ишлари бўйича ўтказилган электрон танлов юзасидан келиб тушган эътирозлар бўйича.

Умид» мактаб-интернати учун товар(ишлар, хизматлар)ларни харид килиш (бажариш) бўйича иштирок этган даъвогар ташкилотлар ва уларга кўйилган умумий баллар

| № | Товар (иш, хизмат) нинг номи | Ўлчов бирлиги | Сони (миқ-дори) | «MALIKA-MOHINUR BUILDINGS» MCHJ | | OOO "OYBEK HAMROH" | | OOO «DIYOR-ABDULATIF» | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Таклиф этган нархи | Умумий балл | Таклиф этган нархи | Умумий балл | Таклиф этган нархи | Умумий балл |
| 1 | Жиззах шахридаги «УМИД»ихтисослаштирилган мактаб интернатининг спорт зал биносини жорий таъмирлаш | Хизмат | 1 | 594 950 800 | 86,3 | 591 015 000 | 84,7 | 597 850 600 | 81,98 |
| | **Жами** | **х** | **х** | **594 950 800** | | **591 015 000** | | **597 850 600** | |

Талабгорлар томонидан 14.04.2022 йилда № 66150 сонли спорт зал биносини жорий таъмирлаш ишлари бўйича ўтказилган электрон танлов юзасидан 19.04.2022 йилга кадар ҳеч канака ёзма ёки оғзаки эътироз ёки мурожатлар келиб тушмади.

Комиссия Умид» мактаб-интернати спорт зал биносини жорий таъмирлаш ишлари учун ўтказилган электрон танлов бўйича

**Қарор килади:**

Умид» мактаб-интернати спорт зал биносини жорий таъмирлаш ишлари учун электрон тарзда ўтказилган танловда жами 86.3 балл билан ғолиб бўлган «MALIKA-MOHINUR BUILDINGS» MCHJ билан шартнома имзоланиб. Ғазначилик бўлимидан руйхатдан ўтказилсин.

Юнусова Ф. ____________
Алибеков ____________
Хамидова С. ____________
Бобобекова Ш. ____________
Туробов Ф. ____________
Пардаева Г.Ў. ____________